

(? - 1127)
(1097-1127)

Ануштегинийлар сулоласидан бўлган Хоразм хукмдори. Ануштегиннинг ўгли. Ёшлигида Марвда яхши таълим олган, илми адаб ва дин илмларини ўрганган. Отаси вафотидан кейин салжукийларнинг Хуросондаги исёнкор ноиби амир Додбек Хабаший томонидан Хоразм ноиби этиб тайинланган ва хоразмшоҳ унвонини олган (1097). Ануштегинийлар - хоразмшоҳлар сулоласининг тарихи аслида Кутбиддин Мухаммаддан бошланади. 1100-йил салжукийлар султони Баркиёрук ва укаси Санжар Додбек Хабаший исёнини бостирган. Санжар Хуросонни кўлга киритгач, Кутбиддин Мухаммадни Хоразм хокимлиги мансабида қолдириб тасдиқлаган. Кутбиддин Мухаммад султон Санжарга садокат билан хизмат қилган, ҳар йили икки маротаба шахсан султон саройига бориб турган, Санжар олиб борган жангларда ўз қўшини билан қатнашиб, хирож, ўлпонларни ўз вақтида тўлаб турган. Кутбиддин Мухаммад олиму фузалоларга ҳомийлик қилган адолатли хукмдор бўлган. Журжонийнинг таъобатига оид “Захирайи хоразмшоҳий” асари Кутбиддин Мухаммадга бағишланган.